

UDC 82

## ГРАММАТИКА ВА СЕМАНТИКА ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИКНИНГ КОГНИТИВ ТАБИАТИ

Г.Р. Нигматуллина<sup>1</sup>

### Аннотация

Мазкур мақолада грамматика ва семантика ўртасидаги алоқалар, сўз маъноси, сўз бирикма ва гаплар ўртасидаги муносабатлар масаласи таҳлил қилинган. Мақола муаллифи грамматика ва семантика ўртасидаги муносабатнинг когнитив асосларини ҳам кўриб чиқган.

*Калит сўзлар:* когнитив тилшунослик, сўз бирикмаси, грамматик семантика, грамматик воситалар, синтаксис, семантик маъно.

Когнитив тилшуносликнинг ривожланиши анъанавий структурал ва генератив тилшуносликда қабул қилинган кўплаб тушунча ва тамойиллар, атамалар жараёнларини тилнинг ҳолатини таҳлил қилишда кераксиз, ортиқчага чиқариб қўйди. Тилнинг коммуникатив функциясини ўрганиш энди тил бирликларини когнитив функцияларини ўрганиш билан алмаштирилди. Тил бирлигини когнитив функциясини ўрганиш эса тил элементи когнитив функциясининг воқеаланиш воситалари ва воқеаланиш усулларини таҳлил қилишдан иборатдир [2, 124].

Ушбу мақолада бу вазифани бажариш учун тил бирликларини семантика ва грамматикасининг ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилинди. Маълумки тилдаги грамматик воситалар тил амалиётида кўп йиллар мобайнида асосан коммуникатив нутқий фаолият жараёнида ривожланади.

Тил воситалари ўзида матнни акс эттирувчи коммуникатив нутқий бирликларини намоён қилади. Уларни ўрганиш жараёнида сўз ва тушунча устида изланиш қилиш, лексемалар, семемалар ноэмалар функцияларини аниқлаш зарур.

Грамматика ва семантика алоқадорлигини изоҳлашда моносеминизация маънолари учун бир қанча босқичлар керак: биринчи босқич, ҳар бир сўз бирикмасининг барча керакли предмет маънолари: иккинчидан, сўз бирикмасидаги синтактик шартлар: учинчидан, сўз бирикмасидаги лексемалар функциясини очувчи семантик шартлар: тўртинчидан, кўшимча маълумот олиш қонун қоидалари, яъни бу имкониятлардан агар матндан сўз бирикмаси бир неча имкониятлар касб этса, фойдаланиш мумкин: бешинчидан кўшимча омиллар.

Семантик муносабатларни логик маънонинг таҳлили орқали аниқлаш мумкин эмас экан, логик маъновий алоқалар ўз навбатида фақат матндан аниқланади; сўз бирикмалар ва сўзларнинг семантикасини аниқлашда контекстуал грамматик муҳит катта аҳамият касб этади. Демак, грамматика ва семантика ўртасидаги боғлиқлик шундаки, моносеминизация фақатгина сўз бирикмаси контексти ичидаги грамматик хусусиятларни таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин [3, 114].

Англашилган маъно сўз орқали ифодаланмайди, балки сўзнинг ўзида намоён бўлади. Агар тилни система ва нутқ фаолияти сифатида қарасак, сўз ва сўз бирикмасини иккиламчи объекти сифатида қараш мумкин. Бунга сабаб шундаки, биринчидан, сўз доимий лексик маънога эга: иккинчидан, грамматик жиҳатидан фарқланадиган сўз бирикмасини ифодалаш учун зарур.

Кўпгина луғатларда тил воситаларини ифодалашда, яъни кўп маънолилиқ, синонимия ва антономияни ифодалашда сўз бирикмаси келтирилди. Шунинг учун ҳам луғатларда сўзнинг денотатив ва коннотатив маъносидан ташқари, турли хил сўз бирикмаси ичидаги ифодаси берилди.

<sup>1</sup>Нигматуллина Гузала Рунаровна, преподаватель, Узбекский государственный университет мировых языков, Ташкент, Узбекистан.

Сўз бирикмалари, умуман гап тузишда икки асосий нарсага эътибор қаратилади: “белги ҳамда маъно ўртасидаги алоқа ва маъно ҳамда ҳақиқат ўртасидаги алоқа” сўз бирикмаларида сўзлар асосан ўзаро бир-бирига аниқловчи-аниқланмиш тарзида боғланади. Юқорида санаб ўтилган грамматика ва семантика ўртасидаги алоқалар тилнинг биргина босқичида эмас, балки бир неча босқичида асосий рол ўйнайди. Сўзнинг маъноларини тушунтиришда ўша сўзнинг бошқа сўз бирикмалари ичидаги бирикувига аҳамият берилади.

Сўз бирикмалари матнидаги маъносини худди ўша бирикмаларини ёки бирикмалардаги сўзни бошқа матн билан келишини, ундаги ўзгаришларни қиёслаб кўриш керак. Структуравий ва трансформацион анализ орқали сўз бирикмаларининг грамматик алоқаларини аниқлаш мумкин. Таржима соҳасида ҳам грамматик семантик муносабатига катта эътибор берилади.

Грамматик семантика термини одатда маъноларининг лингвистик табиатига йўналтирилади бу ерда грамматик ва лексик бирликлар дснотацияси назарда тутилмайди. Бироқ, кўпгина олимлар фикрига кўра, грамматик нуқтаи назардан ифодаланадиган тил воситалари фақат грамматик ва тил воситалари ҳисобланади.

Албатта, грамматик ва грамматик бўлмаган воситалар маъносини аниқлаш қийин масала, масалан баъзи олимлар фикрига қора “нофлексив морфология” ҳақида сўз юритилганда, унга қуйидаги тушунчалар тааллуқли бўлади: аналитик тиллардаги предлоғларнинг ўзи талаб қилган сўзлар билан қўшилиб бирикма ҳосил қилиб, худди флексив тиллар каби келиши ҳамда флексияларнинг вазифасини бажариб келиши назарда тутилади. Денотатив муҳитда грамматик бирликларни аниқлаш қийин масала. Аммо айтишларича, масалан, лексик воситаларидан фарқли равишда грамматик воситалар “нарсалар оламини” тасвирламайди, балки лексик бирликларни тартибга солади. Шуниси аниқки, грамматик семантика экстралингвистик реалликка киришга ёрдам беради, айнан у “предметлар оламини” тасвирлайдиган лексик семантикадан кенгроқ тушунчадир. Шунини инобатга олиш керакки, ҳамма тил маъноси ҳам семантикага боғлиқ бўлавермайди, бунда тил тузилишининг алоҳида тури структуравий маъно эътиборга олинади. Таржима назариясида эса “носемантик грамматика” зарур, айнан шу муҳитда трансляциои норелевант маълумотлар етади. Хуллас, берилган грамматик маъно информатив релевант бўлса, у албатта таржимада ҳам акслантирилиши керак.

Грамматик маънонинг информатив релевантчилигидаги тилидаги аналогик грамматик воситалар таржимасида бўлиши шарт эмас. Масалан “*I at sad*” гапи грамматик нуқтаи назардан рус тилидаги “*Я грустен*” каби эквивалентига мос ўзбек тилида эса “*Мен ғамгинман*” га мос. Бироқ асл таржима “*Я грустен*” ва “*Мен ғамгинман*” вариантлари ўрнида “*Мне грустно*” ва “*Я грущу*”, ўзбек тилидаги “*Ғам қайгу чекяпман*” ва “*Изтиробда қолдим*” вариантлари тўғри келади. Контекстуал релевантлик қўшимчалар ёрдамида турланади. Аниқ таржиманинг комплекс характерида таржимага мос келиши айнан семантик сферада аниқланади.

Грамматика ва семантиканинг турли концепциялари бор, уларга кўра, таржима нуқтаи назаридан, биринчидан, семантик маънони бир неча грамматик воситалар орқали бериш; иккинчидан грамматик воситалар тил табиатига хос, маъно ва мазмун эса кўпроқ нутқга хос. Маъно айнан грамматик воситалар орқали берилади, улар ўртасида қатъий алоқа йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, грамматика семантик алоқалар ўз бирикмасини матннинг маъно ва мазмунини фарқлашда улар ўртасидаги ўхшашликни аниқлаш учун керак сўз бирикмаларнинг грамматик семантикаси, унинг грамматик муҳитда тутган ўрнининг ўзига хос хусусиятлари ва семантикаси, ҳамда ички семантикасининг турфа классификациясига қаратилади. Синтаксис грамматиканинг бир қисми бўлиб, бунда гап структураси тузилиши, гап бўлаклари, гап турлари сўзларнинг бир-бири билан боғланиш йўллари ва сўз бирикмалари ўрганилади. У сўзнинг бир-бирига қўшилиб сўз бирикмаси ва гап тузулишини, гап ва гап бўлаклари уларнинг турларини ўрганади. Гап ҳақидаги таълимот синтаксиснинг асосидир. Сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материаллари воситаси бўлганлиги учун ҳам синтаксисда текширилади.

Синтаксисда ҳар қандай сўз бирикмаси ўрганилавермайди. Икки ва ундан ортиқ сўзнинг қўшилиб қўшма сўз ҳосил қилиши лексикологиянинг ўрганиш объектидир.

Синтаксиснинг энг кичик нутқий бирлиги сўз бирикмаси бўлиб, у камида иккита мустақил сўзларнинг ўзаро лексик ва грамматик жиҳатдан бирикувидан ташкил топади. Сўз бирикмалари ҳам сўзлар каби нарса, белги ҳаракатни аташга хизмат қилади. Фақат сўз бирикмаларида маъно, тасвир анча аниқ ва равшан ифодаланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, когнитив тилшунослик сўз, гап каби тушунчалардан фойдаланса-да, тилшуносликнинг бу турида морфема, сўз бирикмаси ва шу каби айрим тушунчалардан, грамматик категориялар, тушлаш, турланиш ва шу каби грамматик тушунчалардан фойдаланилмайди. Инсон онгидаги ментал жараёнлар борлиқнинг инсон онгида воқеаланиш воситалари турлича ва ўзига хос бўлганлиги учун уларни воқеалантириш усуллари ҳам турличадир. Бу ерда тил бирликлари яхлит умумлаштирилган моҳият сифатида намоён бўлади ва улар ўртасида шаклий фарқлардан кўра воқеаланиш усуллари ва уларда кузатиладиган функционал жиҳатдан фаоллашган шакллар таҳлил қилинади холос. Номинация, модификация, категоризация, атрибуция, локация ва шу каби усулларнинг фаолланишида иштирок этадиган воситалар тил грамматикасининг энг марказий ва функционал жиҳатдан фаол унсурлари ҳисобланади.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Блох М.Я. Теоритическая грамматика английского языка. – М.: Высшая школа, 2006. – С. 124.
2. Ш.Сафаров. Прагмалингвистика. – Т.: Фан, 2008. – 248 б.
3. Talmy L. Toward a cognitive semantics. Collins, London and Glasgow, 2000. – p. 114.

© Г.Р. Нигматуллина, 2019.